

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 17-OKTABR, PAYSHANBA, 125 (8206)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

ПРЕЗИДЕНТ ЛАТВИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг таклифига биноан 2013 йил 16 октябрь куни давлат ташрифи билан Латвияга жўнаб кетди.

Учрашувлар ва музокаралар чоғида Латвия раҳбарияти билан Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантириш масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-инвестиция, транспорт-коммуникация соҳалари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РИГА ШАҲРИГА КЕЛДИ

РИГА, 16 октябрь. ЎЗА махсус мухбири
Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг таклифига биноан 16 октябрь куни давлат ташрифи билан Латвияга келди.

Рига халқаро аэропортида Ўзбекистон Президенти шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Мунтазамлик касб этган Ўзбекистон-Латвия сиёсий мулоқотлари доирасида ўтаётган ушбу ташриф икки давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини атрофлича муҳокама қилиши ва узоқ муддатли асосдаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаши, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юза-

сидан фикр алмашиши учун яхши имкониятдир.

Давлат ташрифи дастурига мувофиқ унинг асосий тадбирлари 17 октябрга мўлжалланган.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Латвия Президенти Андрис Берзиньш, Латвия Сейми Спикери Солвита Аболтиня, Бош вазир Валдис Домбровскис билан учрашув ва музокаралар ўтказди.

Аввал хабар қилинганидек, ташриф якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги серкирра муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган кўплаб ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

ЎЗА



ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИНИНГ НУФУЗИ ОШМОҚДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН IX ХАЛҚАРО
ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ВА ТЎҚИМАЧИЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ

Ушбу нуфузли тадбир мамлакатимизнинг шу соҳадаги ташқи савдо ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва янгидан-янги ҳамкорликни кенгайтиришга муносиб улуш қўшмоқда. Шунинг баробарида ўзбек пахтасининг шухрати янада кенгроқ ёйилишига хизмат қилмоқда, толамизнинг жаҳон бозоридати аҳамиятини яна бир бор кўрсатмоқда.

Ўзбек толасига харидорлар кўпайиб бормоқда. Ҳар йили бўлиб ўтаётган Тошкент тола бозорига катта ҳажмдаги маҳсулотга шартномалар имзоланаётгани, дунёнинг кўплаб экспертлари томонидан толамиз сифатига берилган юқори эътирофлар ҳам буни исботлайди. IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилишида сўзга чиққан «Cotton Outlook» халқаро ахборот агентлигининг бошқарувчи директори Р.Батлер, Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитасининг бошқарувчи директори А.Гитчунс, Хитойнинг йирик «Xinjiang Yinlong International Agricultural Cooperation» компанияси бошқаруви раиси В.Лян, «Cotton Bangladesh» халқаро агентлиги бош муҳаррири К.Ахсан, БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО) вакили Д.Ли, Халқаро тўқима-

чилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар федерацияси бош директори К.Шиндлер, Хиндистон тўқимачилик саноати вазирининг ўринбосари З.Чаттержи, Швейцариянинг «Swiss Capital International AG» компанияси таъсисчиси М.Вальдвоген ва бошқалар ана шуни алоҳида таъкидлашди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур аънавий форум соҳа мутахассислари ва трейдерлар, йирик савдо ва ишлаб чиқариш компаниялари вакиллари, иқтисодчилар, олимлар учун муҳим тадбирлардан бирига айланди. Иштирокчилар ва харидорларнинг мамнунлигига сабаб бўлган яна

бир жиҳат шундаки, Ўзбекистон нафақат сифатли тола етиштириш, балки уни етказиб беришда ҳам ишончли ҳамкордир. Бу эса халқаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Мазкур форумнинг нуфузи йил сайин ошаётганини унинг иштирокчилари кўпайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Бу йилги тадбирда дунёнинг 40 давлатидан пахта ва тўқимачилик саноатида фаолият юритаётган компанияларнинг мингдан зиёд вакили иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, тармоқларни модернизациялаш, техник ва техно-

логик қайта жиҳозлаш жараёни ўз натижаларини бераётир. Пахтачиликда туб ўзгаришлар бўляпти. Хусусан, ернинг ўз эгасига берилиши, истиқболли навларни яратиш, навларни тупроқ ва иқлим шароитига мос равишда жойлаштириш, зарур агротехник тадбирлар асосида ҳосилдорлик оширилмоқда. Пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлашнинг янги тизими жорий этилди. Пахта сотишнинг замонавий инфратузилмаси барча хизмат турларига эга, толани омборларда сифатли сақлаш ва ташишни таъминлайдиган терминаллар барпо этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИНИНГ НУФУЗИ ОШМОҚДА



(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистонда пахта етиштириш, уни қайта ишлаш борасида жуда катта тажриба ва салоҳият тўпланган. Иштирокчиларнинг фикрича, ўзбек пахтасининг харидор-гирлигини таъминлайдиган асосий омилардан бири бу — унинг кўрсаткичларидир. Ўзбек пахта толасининг саноатбўлиги, толасининг узунлиги, пишиқлиги, ранги ва микронейр кўрсаткичлари билан ажралиб туриши дунё саноатчилари, ишбилармонларининг унга қизиқишини тобора оширмоқда. Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида бу борада ҳам самарали ишлар қилинди. Биргина жорий йилдаги халқаро ярмаркага ҳам пахтаниннг энг истиқболли, эртапишар ва серҳосил, толаси узун, ранги ёрқин микронейр кўрсаткичи яхши бўлган навлар сотува қўйилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, селекционер олимларимиз мустақиллик йилларида 160 дан ортиқ янги гўза навини яратдилар. Уларнинг асосий қисми юртимизнинг турли худудларида экишга тавсия этилган. Янги навлар серҳосил, тезпишар, барча кўрсаткичлар бўйича жаҳон бозори талабларига жавоб беради, касаллик ва зараркундаларга чидамли, энг муҳими, ҳар бир худуднинг иқлими, тупроқ шароити инобатга олиниб яратилган. Селекционерларимиз томонидан яратилаётган янги навлар жаҳон бозори талабларига жавоб бериш баробарида устуник жиҳатларини ҳам намоён этаётир. Мамлакатимиз олимлари эришган сўнгги ютуқлардан бири — бу улар томонидан бу учун яратилган дунёдаги илк ген-нокаут технологиясидир. Бу эса, ўз навбатида, чидамли хусусиятларга эга «Порлоқ» навларини яратиш имконини берди. Бундай навлар пахта 5-10 кун аввал етилади, ҳосилдорлиги 18-30 фоиз ошади, толасининг узунлиги 40 миллиметргача, микронейр кўрсаткичи 4,2 миллиметргача етади. Бундай технология асосида яратилган навлар синовдан муваффақиятли ўтди. Айни пайтда ген-нокаут технологиясини бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари

учун ҳам қўллаш борасидаги ишлар амалга оширилаётир. Мазкур янгилик бугун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Мамлакатимиз иқтисодий-ётининг етакчи тармоғи бу тўқимачилиқдир, — дейди «Cotton Bangladesh» халқаро агентлиги бош муҳаррири К.Ахсан. — Пахта импорти умумий ҳажмининг асосий қисмини ўзбек толаси ташкил этади. Бизнинг саноатимиз равнақи бевосита мамлакатингиз билан иқтисодий ҳамкорликка боғлиқ. Бугунгидек анжуманлар эса уларни мустақамлашга хизмат қилади. Шу ўринда сифатни янада ошириш мақсадида юртингизда олиб бо-

риллаётган илмий изланишларнинг аҳамиятини ҳам таъкидлаб ўтишни истардим. Бу изланишлар ўзбек пахтасининг шуҳрати янада ошишига хизмат қилади.

Мамлакатимиз пахта тозалаш саноатида амалга оширилган ислохотлар тола сифатини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарори асосида барча пахта тозалаш заводлари реконструкция ва модернизация

қилинди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ошди, тола сифати ҳам яхшиланди. Бу жараёнда «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг алоҳида ўрнини таъкидлаш жоиз.

— Ўзбекистоннинг пахта етиштириш ва уни экспорт қилиш борасида дунёда етакчилик мавқеи мустақамланишида тола сифатига кафолат бериш, уни классификациялаш ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Эркин Мақсудов. — Бугунги кунда марказ халқаро принципларга асосланган HVI базасида пахта толасининг ривожланган классификациялаш тизимига эга. Республиканиннг ҳар бир худудида HVI тизими билан жиҳозланган «Сифат» худудий лабораториялари мавжуд. Улар пахта толасини тойма-той синовларининг катта ҳажми асосида ўзбек пахтасининг районлаштирилган, янги ва истиқболли навлари, пахта тозалаш корхоналари, вилоятлар бўйича батафсил маълумотларга эга. Республикамиз пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ҳар бир той тола сифат кўрсаткичлари ва оғирлиги бўйича марказимизнинг худудий лабораторияларида синовдан ўтказилиб, назорат қилиб борилади. Самара эса яққол кўзга ташланаётир. Келин, фикримизни бир рақам-

да ифода этайлик. Бундан ўн йил муқаддам заминимизда етиштирилган пахта толасининг «олий» ва «яхши» синфлари 70 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йил ҳосили бўйича бу кўрсаткич 85 фоизга тенг бўлди. Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида эса толаниннг 95 фоизи шундай синфларга мансуб бўлди. Бу маҳсулот нархининг янада ошиб боришини аналтилади.

Анъанага кўра, ярмарка доирасида мамлакатимиз худудларининг инвестиция салоҳияти ва тўқимачилик тармоғини ривожлантиришга доир янги лойиҳалар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Хорижий ишбилармон доиралар вакиллари ушбу лойиҳалар катта истиқболга эга эканини таъкидлаб, уларга инвестиция киритишдан манфаатдорлигини билдирди.

Ҳа, тадбир давомида иштирокчилар жаҳон пахта бозоридаги янгиликлар, ўзгаришлар, қайта ишлаш саноатидаги илғор тажрибалар, тўқимачилик ва энгил саноатдаги энг муҳим воқеалар билан яқиндан танишмоқдалар.

Тадбир иштирокчилари кўп бора қайд этганидек, Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодийдини шакллантириш ва уни юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш давомида тўқимачилик саноати ҳам изчил ривожланиб, янги корхоналар ишга туширилапти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати эса ортиб бормоқда. Энг муҳими, пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳажми ошмоқда. Бу кўрсаткич ўтган асрнинг 90-йилларидаги 7 фоиздан 2012 йилда 40 фоизга ўсди. Ҳисоб-китобларга кўра, яқин йиллар ичида Ўзбекистонда етиштирилаётган жами пахта толасининг асосий қисми ўзимизда чуқур қайта ишланади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари ҳар йили ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган янги турлар билан бойитилмоқда. Соҳага жалб қилинаётган инвестиция ва замонавий технологиялар маҳсулот сифатини ошириб, рақобатбардошлигини таъминламоқда, экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда. Буни ярмарка давомида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясини хузурида фаолият кўрсатаётган «Шарқ либослари» дизайн маркази либослар намойишида ҳам кўриш мумкин эди. Дизайнерларимиз томонидан жаҳон мода саноати тенденциялари ва миллий анъаналаримиз, минтақамизнинг иссиқ иқлим шароити ҳисобга олинган ҳолда, ўзимизнинг табиий матолардан тайёрланган ранг-баранг либослар моделлари хорижий иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ушбу нуфузли тадбир келишув ва битимларга, ҳар томонлама манфаатли шартномаларга бой бўлиши, шубҳасиз. Энг муҳими, дунёга доғруги кетган толамиз шуҳрати янада ошади. Зеро, сифат ва рақобатбардошлик йўлида амалга оширилаётган ишлар шундан далолат бераётир.

IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмарқасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга қикди.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар.

Сўз — ярмарка иштирокчиларига

Томас РЕЙНХАРТ, «Reinhart» компанияси раҳбари (Швейцария):

— 1788 йилда асос солинган компаниямиз пахта савдоси билан шуғулланади. Жаҳон бозорида талаб тобора ошиб бораётган, сифати халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган ўзбек пахтасининг савдоси биз учун жуда фойдалидир.

Сўнгги йилларда ўзбек пахта толасини сертификациялаш сифати ва даражаси янада ошди. Компаниямиз ўзбекистонлик шериклар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2012 йилги ярмаркада ўн беш минг тоннадан зиёд пахта сотиб олган эдик. Жорий йилда бундан ҳам кўпроқ пахта харид қилиш ниятидамыз.

Махдий БЕҲАЙИН, «Interface Service» компанияси бош директори (Эрон):

— Компаниямиз пахта экспорти ва импорти билан шуғулланувчи йирик тижорат корхоналаридан. Тўққиз йилдики, Ўзбекистондан мунтазам пахта толаси харид қиламыз.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда пахтачилликни ривожлантириш бўйича изчиллик билан амалга оширилаётган пахта ўйланган стратегия ўзининг юксак самараларини бермоқда. Халқаро талабларга тўла жавоб берадиган ўзбек пахтаси юксак сифати билан жаҳонда тобора кенг шуҳрат қозонмоқда. Ярмаркада намойиш этилаётган кўплаб турдаги тўқимачилик маҳсулотлари эса Ўзбекистонда энгил саноат ҳам жадал ривожланаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси пахта етказиб берувчилар ва харидорларнинг ҳамкорлигини янада мустақамлаш, ўзаро фойдали алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ярмаркада соҳадаги энг сўнгги янгиликлар билан танишиш имкониятига эга бўлаётганимиздан мамнунмыз.

Муҳсин САИД, «Saeed» корпорацияси раҳбари (Покистон):

— Жаҳон пахта ва тўқимачилик саноатининг энг етакчи вакиллари ташриф буюрган ушбу нуфузли ярмаркада илк марта иштирок этаялман. Ўзбекистонда пахта етиштириш, қайта тайёрлаш, харидорларга етказиб бериш жараёнидаги барча ишларга юксак масъулият ва эътибор билан ёндашилишининг гувоҳи бўлдик. Мутахассис сифатида айтишим мумкинки, Ўзбекистон пахтаси дунёдаги энг сара ва аъло сифатли пахталардандир.

Юксак савияда ташкил этилган IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мамлакатингиз пахтачиллигидаги сўнгги ютуқлар, хомашёни етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш жараёни билан яқиндан танишиш имконини бермоқда. Анжуманда жаҳон пахтачиллигидаги ўзгаришлар, янги тенденциялар юзасидан батафсил фикр алмашяпмыз.

Жаҳир Хуссейн МАҲМУД, «Win Cot» компанияси раиси (Бангладеш):

— Ўзбекистон билан Бангладеш ўртасида пахтачиллик соҳасидаги ҳамкорлик йил сайин ривожланмоқда. Жаҳоннинг барча мамлакатларида бўлгани каби Бангладешда ҳам ўзбек пахтасига талаб тобора ошиб бормоқда. Биз импорт қиладиган пахтаниннг 40 фоизи Ўзбекистондан олиб борилади.

Ушбу ярмарка ўзбек пахта толасини воситачиларсиз, тўғридан-тўғри сотиб олиш учун қулай имкониятдир. Бу ерда пахтаниннг кўплаб навлари намойиш этилмоқда. Биз ўзимиз учун зарур навларни танлаб олаяпмыз.

Ўзбекистонлик пахта етказиб берувчилар билан бевосита алоқа ўрнатиш ва уни янада мустақамлашдан фойда манфаатдормыз. Мақсадимиз анъанага айланган ушбу ярмаркада фаол иштирок этиб, янги шериклар топиш, улар билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдан иборат.

ЎЗА мухбирлари
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

Самарқанд вилояти

ХУНАРМАНДЧИЛИК БУЮМЛАРИ – ҚАЛБ ҚҮРИ, МЕҲР-МУҲАББАТ МАҲСУЛИ

Хунармандчилик миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми. Ота-боболаримиздан мерос ушбу фаолият тури мустақиллик туфайли қайта тикланди, соҳа кишилари қадр топди. Республика “Хунарманд” уюшмаси, жойларда эса унинг бўлимлари ташкил этилди. Бир пайтлар уста ва хунармандлар ўзлари яратган буюмларни сотиш, намойиш этишда турли тўсиқларга учраган бўлса, бугун ҳар бир туман ва шаҳарда хунармандлар марказлари, бозорлар ва савдо мажмуаларида махсус савдо расталари ташкил этилган.

Қадимдан миллий хунармандчилигимизнинг йирик марказларидан бири саналган Самарқандда ҳам мустақиллик йилларида ушбу соҳа жадал ривожланиб, хунармандлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ҳамда 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги фармонлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик хунармандларимизни янгича руҳ, куч-ғайрат билан ишлашга, бетакрор санъат асарлари яратишга ундамоқда, – дейди “Хунарманд” уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими бошлиғи Ақобир Ҳақимов. – Мамлакатимизда халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар, яъни белгиланган тартибда ҳокимликлар ва солиқ идораларида рўйхатдан ўтган, “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлган яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар 2014 йил 1 январига қадар даромад солиғи тўлашдан озод қилинган. Улар ўзлари ясаган буюмларини мамлакатимиздан ташқарида сотиш, кўрғазмаларга боришда бож тўлови тўламайди. Хунармандчилиги ортидан оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда беш нафар шогирдни жалб этиш, устахонани ижарага олиш, ишлаб чиқарилган буюм ва товарларни сотиш учун ихтисослаштирилган дўкон ва шохобчалар ташкил этиши мумкинлиги қонун билан кафолатланган. Улар маҳаллий хомашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминланади. Энг муҳими, хунармандлар ижтимо-

ий суғурта қилиниб, иш даври белгиланган тартибда меҳнат стажига қўшилиб туриб, уюшмамизга аъзо бўлиб, Пенсия жамғармасига белгиланган бадални мунтазам тўлаб келаётган хунармандлар нафақа ёшига етгач, уларга иш стажы тўлиқ ҳисобланмоқда.

Бундай имкониятлар туфайли хунармандлар яратаётган маҳсулотлар сифати, салмоғи ва тури ҳам кескин ортди. Агар 1996 йилда атиги 1,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили тўққиз юздан зиёд турдаги 4,7 миллиард сўмлик, жорий йилнинг олти ойида эса хунармандчиликнинг 25 йўналиши бўйича мингдан ортиқ турдаги 3 миллиард 171 миллион сўмлик бадий хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулотларни яратаётган қўли гул кишилардан 994 нафари уюшма аъзоси бўлиб, қадимий касбларни қайта тиклаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Уюшма улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар сотувини ташкил этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хунармандлар ясаган буюмларни экспортга чиқаришга қўмақлашиш сингари юмушларда уларга яқин ёрдамчи бўлаётди. Хунармандлар кўплаб танлов ва халқаро кўрғазмаларда, фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Ургут туманининг Ғўс қишлоғида яшовчи каштадўз Мавлуда Ҳамдамова ана шундай нуфузли тадбирларда фаол иштирок этиб келаётган хунармандлардан бири. “Ташаббус – 2013” кўрик-танловининг вилоят босқичида голибликни қўлга киритган хунарманд “Асрлар садоси” фестивали, “Bazaar-At” кўрғазмаларида ўзи тиккан кашта ва миллий либослар билан эътибор ва эътирофга сазовор бўлди.

– Истиқлол туфайли хунарманднинг елкасига офтоб тегди, – дейди Мавлуда опа. – Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий хунармандчилик аънаналаримизни давом эттириш,

фарзандларимизга ўргатиш учун кенг имконият, шарт-шароитлар яратилган. Иш бошлайман, десангиз сармоё ҳам нақд, харидор ҳам тайин. Давлатимиз қўллаб-қувватлаб турибди. Берилган имтиёزلардан фойдаланиб, каштачилик негизида оилавий бизнесни йўлга қўйдик. Қизларим, келинлару набираларим тайёрлаётган сўзана, палак, ёстиқ жилдлари, зардевор, чойшаб ва бошқа буюмлар нафақат маҳаллий харидорлар, балки сайёҳларнинг ҳам эътиборини тортаётганидан ўзгача ифтихор туяман. Уйимиздаги устахонамиздан сайёҳлар қадами узилмайди. Улар билан гаплашишга эҳтиёж сезиб, уч-тўрт тилда зарур сўзларни гапиришни ҳам ўрганиб олганман. Чет элликларга маҳсулотларимиз ҳақида тушунтираман. Баъзида буюртмалар шунчалик кўпайиб кетадики, қўлимиз қўлимизга тегмай ишлаймиз. АҚШ, Миср, Саудия Арабистонидан, шунингдек, Европа давлатларидан келган кўплаб сайёҳлар учун совгабоп буюмлар ясаб берганмиз.

Хунарни санъат даражасига кўтарган Мавлуда опа бу сулолада каштадўзлик бўйича тўртинчи авлод.

Халқимизнинг бетакрор хунармандчилик намуналари маҳоратли ва зукко ёшларимиз томонидан ҳам муносиб давом эттирилмоқда. Агар юқорида зикр этилган фармон эълон қилингунига қадар, яъни 2010 йилда миллий хунармандчилик сирлари ва аънаналарини ўргатиш мақсадида вилоятда 51 “Уста-шогирд” мактаби ташкил этилиб, уларга 141 нафар ёш жалб қилинган бўлса, ўтган йили ушбу истиқболли тизимни такомиллаштириш мақсадида 132 “Уста-шогирд” мактаби ташкил этилиб, уларда 500 нафар, бу йил эса 157 шундай мактабда 650 нафар ёшлар хунар сирларини ўрганиши таъминланди.

Нарпайлик Зоҳид Тахиров кейинги уч-тўрт йил ичида темирчилик сирларини қунт билан ўрганди. Бугун у ёш бўлишига қарамай, хунармандлар орасида ўз ўрнини топди, юз хилга яқин темирчилик маҳсулотларини мустақил ясай олади. Унинг қўлида сайқал топган маҳсулотлар вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказилган турли танловларда муносиб рағбатлантирилмоқда. Бу каби эътибор, ғамхўрлик боболардан фарзандларга, фарзандлардан набираларга мерос бўлиб келаётган, ота-боболаримиз ардоқлаган бебаҳо хунармандчилик истиқлол йилларида тобора ривожланаётганини кўрсатади.

**Ғ.ҲАСАНОВ,
Ўза мухбири.**

Навоий вилояти

Навоий вилоятининг Сармишсой дарасида бўлиб ўтган «Асрлар садоси – 2013» маданият фестивалида томдчилик хунармандлар томонидан намойиш этилган қўй, туя жунидан тайёрланган кўрпак-кўрпача, гиламлар, шифобахш белбоғлар, ўтов учун зарур жиҳозлар кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлган. Айниқса, томдчилик хунарманд Рая Ўспанованинг туя жунидан тайёрлаган белбоғлари фестивалга ташриф буюргани хорижлик меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

ТУЯ ЖУНИДАН ФЙДАЛИ БЕЛБОҒЛАР

– Туя жуни таркибида тивит бор, – дейди Рая Ўспанова. – Ундан буйрак ҳамда бел оғриғига малҳам бўладиган белбоғлар тайёрлаш мумкин.

– Мамлакатимизда миллий хунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу соҳада фаолият юритаётганларнинг қўллаб-қувватланаётгани қувончли, – дейди “Томдчилик” овул фуқаролар йиғини раиси Нурсуллу Каренеева. – Жорий йилда овуллик хотин-қизларга кредит эвазига 40 та тикиш машинаси олиб берилди. Бу орқали нафақат хунарманд қизларимиз, балки тикувчиликдан қўшимча даромад оломоқчи бўлган аёлларимизнинг ҳам бандлиги таъминланди. Шундай дастгоҳлардан тез орада яна олиб келинади. Демак, Рая Ўспанованинг шогирдлари сафи янада кенгайди, шифобахш белбоғлари туя жунидан тайёрланадиган гиламлар, кўрпак-кўрпачалар ва бошқа жиҳозлар кўпаяди.

Кармана туманидаги “Довуд Кармана” хусусий корхонасида савдо шохобчалари учун советкичли витриналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Корхона маҳсулотлари Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги харидорларга етказиб берилмоқда.

– Ички бозордаги талаблардан келиб чиқиб, нисбатан арзон нархларда ишлаб чиқарилаётган советкичли витриналар дўкон ва расталарда халқ истеъмоли молларини сифатли сақлашда қўл келмоқда, – дейди корхона раҳбари Адиз Қосимов. – Ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш лойиҳалари устида ҳам изланишлар олиб бораётиб. Жумладан, паррандачилик санъатида қўлланиладиган махсус камералар, автоматлаштирилган бошқарув дастгоҳлари, тухум ва парҳезбоп гўшт маҳсулотлари сақлаш учун махсус советкичлар тайёрлашни ҳам режалаштирганмиз.

Абдурасул САТТОРОВ

БАРЧАМИЗ ФАОЛ — МАҲАЛЛАМИЗ ОБОД

Маҳалламизда 2 минг нафардан ортиқ киши истиқомат қилади. Худудимизда мактаб-интернат, умумтаълим мактаби ва шифохона мавжуд бўлиб, уларда барча шарт-шароитлар яратилган. Барча хонадонлар тўлиқ газлаштирилган, тоза ичимлик суви билан таъминланган. Ўндан ортиқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ишлаб турибди. Қишлоқ врачлик пунктида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Сирасини айтганда, маҳалламиз обод, кўнглимиз чароғон.

Маҳалламиз фаолларидан Ойдинтош Қўзиёева, Рамазон Зойиров, Ботир Тўраев ҳар бир

тўй-маъраканинг тартибли, камчиқим ўтказилишида, ободончилик ишларининг тўғри йўлга

қўйилишида доимий бош-қош. Ёшлар тарбияси борасида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Шу ўринда маҳалла ва мактаб ҳамкорлигига алоҳида тўхталиш зарур, деб ўйлайман. Негаки, келажакимиз эгаларининг ҳар томонлама етук, билимли, ақлли, соғлом, интеллектуал салоҳиятли бўлиб улғайишларида мактаб ва маҳалладаги тарбиявий ишларнинг қай даражадалиги муҳим ўрин тутди.

Бизда мактаб билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Ўқувчиларнинг бўш вақтлари-

ни тўғри тақсимлаши ҳамда мазмунли ўтказишида маҳалла фаоллари ва мактаб ўқитувчилари бирдек жонкуярлик қилишади. Маҳалла маслаҳатчиси Эътибор Худойбердиева ва котиба Азиза Тошева ҳам ота-оналар билан самарали иш олиб бораёти. Мактабларда ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан ҳамкорликда долзарб мавзуларда суҳбатлар ўтказилапти. Кейинги йилларда ўқувчилар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг камайганида маҳалла посбони ва профилактика ишлари нозирининг ҳам ҳиссаси катта.

Таъкидлаш жоизки, қишлоғимиздан кўплаб таниқли ижодкорлар, спортчилар ва бошқа касблар бўйича ўз ишининг усталари етишиб чиққан. Қишлоқ аҳли эса улар билан

фахрланади, ғурурланади. Зиёлилар авлодининг шаклланиши, ижодкорлар ва спортчиларимизнинг кўпайишида мактабларимизда ёш авлодга таълим-тарбия бераётган ўқитувчиларнинг хизмати катта. Биз эса бундай инсонлар билан айнан мактабларда учрашувлар ташкил этияпти.

Қисқаси, маҳалла ободлиги ҳаётимизнинг ободлиги демакдир. Бунга эса фаолларимизнинг барча ишларда бош-қош бўлаётгани, одамларни эзгу ишлар сари чорлай олаётгани, энг муҳими, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик натижасида эришяпти.

**Жонузоқ ТҶУХТАМУРДОВ,
Пахтачи туманидаги
“Чашма” маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.**

ҲУҚУҚИЙ АСОС МУСТАҲКАМ БЎЛСА

▼ АНЖУМАН

Истиқлол йилларида мамлакатимизда сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик базаси тўлиқ шаклланди. Хусусан, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги ҳамда “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунлар, шунингдек, 40 дан ортиқ қонун ости ҳужжатларининг қабул қилинганлиги соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ҳудудий бўлимлари томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги “Ўзсувназорат” республика сув инспекциясининг Жиззах, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги инспекциялари фаолиятида сув ва сувдан фойдаланишга оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати ўрганилганда эришилган ютуқлар билан бир қаторда айрим камчиликларга йўл қўйилгани ҳам аниқланди.

Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 75-моддасига кўра, сув объектларидан олинган сув уларга қўйилган сув миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш ва оқиб келиб қўшилаётган сувлар сифатини аниқлаш қоидаларини бузиш, шунингдек, давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибни бузганлик учун фақатгина мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши белгиланган. Бироқ Самарқанд вилояти “Ўзсувназорат” инспекцияси томонидан 2012 йил 17 майда фуқаро Э.Эшқуватов мансабдор шахс бўлмасда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 75-моддаси биринчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Айрим инспекциялар томонидан маъмурий жарималар ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда қўлланилган. Жумладан, Наманган вилояти инспекцияси инспектори Ж.Умаров ўз ваколати доирасидан четга чиқиб, Янгикўрғон туманидаги “Видок ПО” фермер хўжалиги раҳбари Б.Мўминовга нисбатан сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантиргани учун 2012 йил 5 июнда МЖТКнинг 76-моддаси биринчи қисмига асосан жарима қўллаган. Ваҳоланки, МЖТКнинг 245-моддасида 76-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш суднинг ваколат доирасига кириши белгиланган. Бу каби хатоликларга Қашқадарё вилояти инспекцияси томонидан ҳам йўл қўйилган. Бундан ташқари, сув ва сувдан фойдаланишга оид қонунчилик таҳли-

ли бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим муаммолар, амалга ошириш механизми билан таъминланмаган ҳаволаки нормалар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, сув ва сувдан фойдаланишни тартибга солиш бўйича айрим меъёрий-ҳуқуқий нормалар (қоидалар) ишлаб чиқилмаган.

Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 76-моддасида сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Аммо сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларининг ишлаб чиқилмаганлиги оқибатида фуқароларни кодекснинг ушбу моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортишда турлича амалиёт қўлланилиши кўзга ташланмоқда.

Мисол учун, “Ўзсувназорат” Наманган вилояти инспекцияси томонидан Норин тумани Тўда гидроучасткаси бошлиғи Н.Қурбонов Тўда ариқ сув ўлчов иншоотида сув ўлчаш мосламаси йўқлиги сабабли, Чуст тумани “Подшоота Чодак” ирригация тизими бошлиғи И.Эминов эса Чуст ва Сигма каналларида сув ажратиш нуқталаридаги гидротехник иншоот ҳамда сув ўлчаш қурилмалари носозлиги учун МЖТКнинг 76-моддаси иккинчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 117-моддасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер ва деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари-

ни бузиш натижасида етказилган зарарларни қонун ҳужжатларида белгиланадиган миқдорда ва тартибда қоплашлари шарт, деб қайд этилган. Бироқ сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш натижасида етказилган зарар миқдорини ҳисоблаш ва қоплаш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Бунинг оқибатида сув ва сувдан фойдаланиш қоидаларини бузган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилса-да, улар томонидан етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва ундириш чоралари кўрилмай келинмоқда.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 46-моддасида дам олиш ва спорт учун сув объектларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланиши назарда тутилган. Бироқ ҳозирга қадар дам олиш ва спорт учун сув объектларидан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилмаган.

Юқорида қайд этилган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, сув ва сувдан фойдаланишга оид муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш нафақат бу борадаги ноаниқликларни бартараф этиш, балки сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли тарзда ҳимоялаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Юнус ХОДЖИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
Қонунчиликка риоя
этилиши устидан назорат
қилиш бош бошқармаси
етакчи маслаҳатчиси.

Сугурта бозори:

МУКАММАЛ ТИЗИМ — КАФОЛАТЛИ ҲИМОЯ

Пойтахтимизда “Ўзагросугурта” давлат-акциядорлик сугурта компанияси (ОАЖ) томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирда қайд этилганидек, аҳоли ва корхоналарнинг сугурта хизматларига бўлган талаби йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу жараёнда “Ўзагросугурта” давлат-акциядорлик сугурта компанияси ҳам фаол иштирок этиб келаётир. Компания бугунга келиб ўзининг кўптармоқли фаолияти, ривожланган ҳудудий тармоқларининг мавжудлиги, тақдим этилаётган хизматларининг сифати билан мамлакатимиз сугурта бозоридаги етакчилар қаторида эътироф этилмоқда. Компаниянинг республикамиз ҳудудларида 189 та бўлинма ва 536 та сугурта шохобчасига эга экани бу турдаги хизмат билан мамлакатимиз аҳолисини тўлиқ қамраб олиш имконини бермоқда. Бугунги кунда ушбу универсал сугурта компанияси томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 100 дан ортиқ сугурта хизмати таклиф этиляпти. Бунда, айниқса, аҳоли учун ҳар томонлама қулай, пасайтирувчи коэффицентларни ўз ичига олган ва икки томон манфаатларига тўла мос келадиган сугурта хизматларини жорий этиш ҳамда улар турини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Компания томонидан жорий йилнинг тўққиз ойида таъминланган сугурта мукофотларининг 25,3 миллиард сўми ёки 54,6 фоизи аҳоли сугуртаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Сугурта полисларининг асосий қисми, яъни 2 миллион 700 мингдан ортиги аҳолига сотилган.


Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда аҳолига кўрсатилаётган сугурта хизматлари бўйича сугурта тарифларини пасайтириб боришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мисол учун, 2008 йилда аҳоли сугуртаси бўйича ўртача сугурта тарифи 0,52 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу 0,26 фоизга тенг бўлди. Компания тизимида ўтказилган “Тадбиркор”, “Соғлом авлод”, “Фаровон ҳаёт” акциялари ва “Мустаҳкам оила”, “Мустаҳкам оила равнақи” сугурта хизматлари бўйича танлов ҳам фаолиятдаги юқори самарадорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Танлов якунига кўра, республика бўйича 2,2 миллионга шартнома тузилиб, 7,9 миллиард сўм миқдоридан сугурта мукофотлари тушуми таъминланди.

Компания томонидан ходимлар малакасини ошириш, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишни такомиллаштириб бориш мақсадида соҳага илғор тажрибалар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, сугурта шартномалари борасида миқдорлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида аҳолидан келиб тушган 5600 тадан ортиқ даъво аризаси кўриб чиқилиб, тегишлича ҳал этилди. Олинган сугурта жавобгарликлари бўйича аҳолига 3,1 миллиард сўм сугурта товони тўлаб берилди.

Бундан ташқари, компания томонидан аҳоли талабларидан келиб чиққан ҳолда “Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасидан фойдаланиш оқибатида юз бериши мумкин бўлган қалтисликлардан сугурта қилиш”, “Ихтиёрий тиббий сугурта”, “Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга бериладиган пластик карточкаларни сугурта қилиш” каби 7 та янги сугурта хизмати жорий этилди.

Анжуманда, шунингдек, иштирокчиларга соҳада яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилди.

Назарали ТИЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

 Сурхондарё Вилояти

ҚЎШИМЧА ТАРМОҚ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Шеробод туманидаги “Сариқамиш” ҚФЙ ҳудудида “Термизнефтбазаси” унитар корхонасига қарашли 150 бош қорамол боқишга мўлжалланган чорвачилик комплекси бунёд этилмоқда.

У ерда қурилиш ишларини олиб бораётган “Мармар” кичик корхонаси бунёдкорлари томонидан бугунги кунгача чорвачилик комплексининг ҳудуди тўлиқ текисланиб, атрофи девор билан ўралди. Маъмурий ва хўжалик бинолари қад ростлади. Электр энергия олиб келиниб, ўт ўчириш ҳовузлари қурилди. Умуман, мажмуада ҳозирги кунгача 1,5 миллиард сўмга яқин қурилиш ишлари битказилди.

Чорвачилик комплекси қуриб битказилгандан сўнг бу ерда гўшт ва сутни қайта ишлаш

цехлари ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Шунингдек, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда корхона томонидан Бойсун туманида интенсив боғ барпо этиш ишлари олиб борилаётган. Бунинг учун 15 гектар сугориладиган ер ажратилган бўлиб, унга ўтган йили 5 минг туп мевали кўчат ўтказилди. Асосийси, ушбу боғни барпо этиш орқали 5 нафар киши иш билан таъминланди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Сургарё Вилоят

▼ ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

БЕБАҲО НЕЪМАТ ШУКРОНАСИ

Сирдарё туманидаги Насиба Тўқмоқова раҳбарлик қилаётган “Авесто Зардўшт” фермер хўжалиги кўп тармоқли. Хўжаликда пахта, ғалла, боғ, кўчатчилик питомниги ва иссиқхона мавжуд. Ишчилар учун бунёд этилган замонавий дам олиш уйи барчанинг ҳавасини келтиради.

Биз ҳам унга ҳавас билан кириб келар эканмиз, бу ерда китоб ўқиб ўтирган нуруний онахонга кўзимиз тушди. Кўлида шоир Сирожддин Саййиднинг шеърий тўплами. Онахон ушбу китобни берилиб мутолаа қилаётган экан.

Бу нуруний онахон Оқилой Фозилова эди. Фермернинг қайнонаси, маслаҳатгўйи. Яқинда тўқсон ёшга кирадилар. Аммо ҳали бақувват, тетик. Ҳатто кўзойнак ҳам тақмабдилар. Онахон билан саломлашамиз.

— Китоб ўқишни яхши кўраман, — дейди онахон. — Аиниқса, менга Сирожддиннинг шеърлари ёқади. Ўзиям юракдаги кечинмаларни топиб ёзади-да.

Онахоннинг метин ирода-си, ҳаётга ташналиги, интилишига тан берамиз. У билан суҳбатимиз қизийди.

— Бахтли ҳаёт мазмуни ҳалол меҳнат, камтарлик ва илму ҳунар ўрганишда, — дейди онахон гапида давом этиб. — Ҳаётнинг пасту бандини кўриб англаганим шу бўлди. Болаларимни ҳам шундай тарбияладим. Меҳнат қилдик. Ғўза чопдик, сув тарадик, пахта тердик. Мана шу меҳнат билан ўн фарзандни едириб, ичирдик. Бобонгиз раҳматли хўжаликда механизатор бўлиб ишларди. Тонг оқармасдан кетиб, шомда келарди. Рўзгорнинг бор оғири елкамизда эди.

— Меҳнатингиз самарасини мана энди кўряпсиз, — деймиз онахонга, — мана бу боққа қараб, ҳавасимиз келди.

Ҳа, боғимиз чиндан-да зўр, — дейди у.

Дарҳақиқат, ушбу фермер хўжалигида ажойиб боғ ташкил этилган. Боғда меванинг барча турларидан бор. Олма, олхўри, гилос, шафтоли... Бир мева пишиб тугагач, иккинчиси чиқади, сўнгра учинчиси, шундай қилиб, йил давомида боғ мевалари пишиб туради, даромад эса келаваради. Қишда эса иссиқхона ва кўчатчиликдан даромад... Пахта ва ғалланинг даромадини ҳам қўшсангиз, кўп тармоқчиликнинг аҳамияти қанчалар катта экани намён бўлади. Доимий даромад эса ишчиларнинг ҳам, фермернинг ҳам манфаатдорлигини таъминлайди. Ишга, ерга муносабат, яъни меҳр ошади. Кўп даромадлилик фермернинг дастини узун қилади, дегани шу бўлади.

— Ёшлиқдан боғдорчиликка меҳр кўйгандим, — дейди Оқилой она. — 12 сотихлик ҳовлимизда узумзор барпо этгандик. У оиламизнинг барака манбаи эди. Рўзгоримизни тўкин этарди, қишга майиз қилардик, кўни-қўшниларга улашардик, органини бозорга чиқарардик. Бу билан рўзгорнинг кам-кўсти тўғри бўларди.

Бугун ҳаётини меҳнатга, эзгуликка бахшида этган онахон фарзандларини ҳам меҳнатсевар, илм-маърифатли инсонлар этиб тарбиялади. Турмуш ўртоғи Тўқмоқ Фозилов ҳам оқил инсон бўлиб, оиладаги муҳит фарзандлар тарбиясига



Пиру бадавлат онахон Оқилой Фозилова катта ўғли Маҳмуджон, келини Насибахон ва суюкли невараси Фазилатхонлар даврасида.

ҳам ўз таъсирини ўтказганди. Шу боис бўлса керак фарзандлар, набиралар ҳам элу юрт хизматига камарбаста инсонлар бўлиб вояга етишди. Энг муҳими, қандай жабҳада хизмат қилишмасин, эл корига яраш, юртни равнақ топтиришга ҳисса қўшиш нияти билан яшаш уларга ажодларидан мерос бўлиб келмоқда. Онахон бугун 45 нафар невараси, 50 нафардан зиёд чевара бағрида фароғатли умр кечирмоқда.

Оқилой она тўқсонни қаршилаган бўлса-да, ҳамон ҳара-

катда. Эрта баҳор, ёз ойларида катта ўғли Маҳмуджон ва келини Насибахон барпо этган “Авесто-Зардўшт” фермер хўжалигига келиб боғ-роғларни эринмай кузатиш, боғбонларга ўзининг маслаҳатларини беришдан асло чарчамайди.

— Дастурхонларимиздаги хилма-хил ноз-неъматларнинг сероблигини қаранг, — дейди онахон. — Тўй-маъракага бораман, десак қўша-қўша машина. Бундай рўшнолик ҳеч замонда бўлмаган. Мустақиллик бизга шундай

дориламон кунлар, бахтли замонни ҳада этди. Юртимиз тинч, ҳаётимизда ҳаловат бор. Бу улғу неъматнинг қадрига ёшу қари ҳаммамиз етишимиз, уни кўз қорачиғидек асрашимиз керак.

Онахон билан шундай хайрлашдик. Умр мазмунини меҳнатда деб билган ва меҳнатидан хузур-ҳаловат топган онахоннинг ҳар бир сўзи биз учун катта сабоқ, фаолияти эса ибрат мактабидир.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

▼ ИМКОНИЯТ

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Мамлакатимизда кичик бизнесни, хусусан, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор соҳа вакиллари кенг имконият эшикларини очмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш концепциясида ҳам оилавий бизнес миллий анъаналаримиз, хўжалик юртиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиши, шунингдек, уни ташкил қилишнинг қонунчилик базасини яратиш иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва янги иш ўринлари очилишида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, унда оилавий бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли белгилаб берилди. Эътиборлиси, қонунда оилавий корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, оилавий корхоналардан ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланиладиган турар-жойларни нотурар-жойларга ўтказиш талаб этилмайди. Корхона иштирокчилари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин уларнинг тасарруфига келиб тушган фойдадан солиқ олинмайди. Оилавий корхона оила яшаб турган турар-жойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган

маҳсулотни шу жойнинг ўзида сотиши мумкин. Бундай қулайликлар, ўз навбатида, мамлакатимизда оилавий тадбиркорлар сафининг кенгайиб боришига хизмат қилмоқда.

Яна бир жиҳат: айна пайтда оилавий бизнесни ривожлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этиб келаётир. Бошқача айтганда маҳалалар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бирга, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айланиб бормоқда. Буни “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги тахрири мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур қонуннинг 17-моддаси бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолияти ри-

вожига кўмаклашишига бағишланган. Унда қайд этилганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маҳалла марказлари ташкил этишга ҳақлидир.

Мазкур ҳуқуқий нормадан келиб чиққан ҳолда, жорий йилнинг 8 августида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 24 июндаги тегишли қарорлари билан тасдиқланган ҳамда Савдо-саноат палатаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан келишилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низоми» Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилди.

Ушбу низомга мувофиқ, ташкил этилган маслаҳат марказига фуқаролар йиғинининг масъул котиби раҳбарлик қилади ҳамда унга тегишли ҳудудлардаги тажрибали тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар, намунали оила бошлиқлари ҳамда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг маслаҳатчилари аъзолар сифатида киритилиши мумкин.

Қайд этиш жоизки, маслаҳат марказлари юридик шахс бўлмайди. Уларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органларининг ўз маблағлари ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлиги ҳисобидан қопланиши мумкин.

Ушбу марказлар тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, оилавий тадбиркорлар ва ҳунармандларнинг соҳага оид қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёз ва преференциялардан фойдаланиши, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида кредит олиши учун зарур бўладиган ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади. Шунингдек, улар тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш истагида бўлган фуқароларга иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосларини ўргатиш бўйича қисқа мудатли курслар ташкил этади. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ёшларнинг корхона, муассаса ва ташкилотларга ишга жойлашишида кўмаклашади.

Энг муҳими, ушбу марказлар фаолияти халқимизнинг кулолчилик, темирчилик, косиблик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, каштачилик сингари оилавий тадбиркорликнинг кенг қўламли йўналишларини янада тараққий эттиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Гулнора ИСМОИЛОВА,
иқтисод фанлари номзоди.

РАҚИБИМИЗНИ «ЁШ КУЧ»ЛАР ЁРДАМИДА ЕНГДИК



2015 йили Австралияда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш баҳсларининг 3-тур учрашувлари бўлиб ўтди. “Е” гуруҳида кураш олиб бораётган терма жамоамиз Тошкентдаги “Пахтакор” стадионида Вьетнам терма жамоасини қабул қилди. Учрашувда вакилларимиз 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Мусобақанинг аввалги икки турида Миржалол Қосимов шогирдлари бор эътибор асосан терма жамоамизнинг Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларидаги иштирокига қаратилгани билан изоҳланган салбий натижаларни қайд этишган эди. Аниқроғи олдинги учрашувларда — Тошкентда Гонгконг терма жамоаси билан 0:0 ҳисобида дуранг ўйналган, БАА термасига эса меҳмонда 1:2 ҳисобида имконият бой берилган эди.

Вьетнамга қарши учрашувда бир қатор футболчилар Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида дебют ўйинини ўтказдилар. Жумладан, дарвозани “Насаф”дан чақирилган

Элдор Суюнов кўриқлаган бўлса, ярим ҳимояда яна бир “насаф”чи — Илхом Юнусов ҳаракат қилди. Иккинчи бўлимда эса “Бунёдкор” ҳужумчиси Сардор Рашидов Ўзбекистон миллий термаси либосида илк бор майдонга тушди. Айнан у 69-дақиқада ҳисобни очишга муваффақ бўлди.

Орадан кўп ўтмай, ўнг қанотдан ташкил этилган ҳужумни бартараф этиш вақтида Вьетнам миллий терма жамоаси ҳимоячиси Ау Ван Хоан ўз дарвозасини ишғол қилиб қўйди. 78-дақиқада эса Вьетнам терма жамоаси ярим ҳимоячиси Нгуен Хоанг ҳисобни қисқартиришга эришди. Учрашув якунлани-

шига бир дақиқа қолганида эса “Пахтакор” клуби аъзоси Игорь Сергеев Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафидаги биринчи голни уриб, учрашув 3:1 ҳисобида якунланишини таъминлади. Шунингдек, майдонда 36-дақиқадан бошлаб ҳаракат қилган “Пахтакор” клубининг яна бир ёш футболчиси Жамшид Искандаров ҳам мухлисларда анча илиқ таассурот қолдира олди.

“Е” гуруҳининг кейинги жуфтлиги — Гонгконг ҳамда БАА терма жамоалари ўртасида кечган 3-тур доирасидаги учрашувда сафарда тўп сурганига қарамай, БАА миллий терма жамоаси йирик –



Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таркибидаги мазмунли ўйинлари билан мухлислар эътиборини қозongan “Пахтакор” футбол клуби аъзоси Игорь Сергеев Вьетнам терма жамоаси билан бўлган учрашувда гол киритиб, терма жамоамизнинг ғалабасига ҳисса қўйди.

4:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва 9 очко билан гуруҳнинг яққол пешқадамига айланди. Вакилларимиз ҳамда Гонгконгликларда 4 тадан очко мавжуд.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё Кубоги-2015

саралаш доирасидаги навбатдаги учрашувларни ноябрь ойида ўтказди. Жумладан, 15 ноябрь куни Вьетнам термасига қарши, 19 ноябрь куни эса Гонгконгга қарши баҳс олиб боради. Ҳар иккала ўйин сафарда ўтади.

“Е” гуруҳи	Ў	Ю	М	Д	Т/Н	О
Бирлашган Араб Амирликлари	3	3	0	0	6	9
Ўзбекистон	3	1	1	1	1	4
Гонгконг	3	1	1	1	-3	4
Вьетнам	3	0	0	3	-4	0

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида Бокс бўйича XVII Жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда дунёнинг 116 мамлакатидан 576 нафар спортчи иштирок этмоқда.

НУФУЗЛИ МУСОБАҚАДАГИ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА



Жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини Ҳасанбой Дўстматов, Жасурбек Латипов, Шаҳриёр Исоқов, Фазлиддин Гойибназаров, Санжар Раҳмонов, Хуршид Норматов, Азиз Абдуғофуров, Ойбек Мамазулов, Рустам Тўлаганов ва Мирзохид Абдуллаев ҳимоя қилмоқда.

Ушбу мусобақа мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари учун 2016 йили Бразилияда ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларига муҳим тайёргарлик босқичи бўлади. Шу боис, терма жамоа бош мураббийи Марс Қўчқоров жаҳон чемпионатида асосан иқтидорли ёш боксчиларни жалб қилди.


Жаҳон чемпионатида боксчиларимиздан биринчи бўлиб рингга Рустам Тўлаганов чиқди. Дастлабки жангда у Янги Зеландия вакили Давид Лайтни катта устунлик билан мағлубиятга учратди. Энди 91 килограмм вазн тоифасидаги бу боксчимиз молдовалик Владимир Челесга қарши жанг ўтказди.

64 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Осиё чемпиони Санжар Раҳмонов замбиялик Жильберт Чумбени енгди, кейинги босқичда озарбайжонлик Ҳайбатулла Гаджиалиев билан куч синашадиган бўлди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМАЛАР



Осиё чемпионати саралаш баҳслари билан параллел равишда қитъаларда Жаҳон чемпионати саралаш баҳслари гуруҳ учрашувларининг сўнгги — 10-тури, Африка қитъасида эса плей-офф ўйинлари бўлиб ўтди. Унга кўра, Жаҳон чемпионатида тўғридан-тўғри иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмани қўлга киритган жамоалар сони 21 тага етди. Мундиалнинг яна 11 та иштирокчиси плей-офф баҳсларида аниқланади.



Голландия терма жамоаси ҳужумчиси Робин Ван Перси Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида 11 та гол киритиб, тўпурақ бўлди.

Европа қитъасидан мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини Россия, Бельгия, Италия, Германия, Голландия, Швейцария, Босния ва Герцоговина, Англия ҳамда Испания терма жамоалари қўлга киритишди. Украина, Франция, Греция, Португалия, Исландия, Руминия, Швеция ва Хорватия термалари эса ўзаро плей-офф баҳсларини ўтказишади. Бу жамоалар рақибларини 21 октябрь куни бўлиб ўтадиган қуръа ташлаш маросимидан сўнг билиб олишади.

КОНМЕБОЛ — Жанубий Америка минтақасидан Жаҳон чемпионатида тўғридан-тўғри Аргентина, Колумбия, Чили ва Эквадор термалари йўл оладиган бўлишди. Гуруҳда бешинчи ўринни эгаллаган уругвайликлар эса плей-оф-

фда Осиё қитъаси вакили иорданияликлар билан кураш олиб боришади.

КОНКАКАФ — Шимолий Америка минтақасидан Жаҳон чемпионати йўлланмасига АҚШ, Коста-Рика ва Гондурас терма жамоалари эга чиқишди. Мексика терма жамоаси эса плей-оффда Янги Зеландия билан рўбарў келади.

Осиё қитъасидан Эрон, Жанубий Корея, Япония ва Австралия терма жамоалари ушбу йўлланмаларни биринчилардан бўлиб қўлга киритгани кўпчиликка маълум.

Африкада эса қитъа терма жамоалари ўртасида 5 та йўлланма учун плей-офф баҳсларининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Унда куйидаги натижалар қайд этилди:

Кот-д'Ивуар — Сенегал 3:1;
Эфиопия — Нигерия 1:2;
Тунис — Камерун 0:0;
Гана — Миср 6:1;
Буркина-Фасо — Жазоир 3:2.

Жавоб учрашувлари ҳамда қитъалардаги барча плей-офф баҳслари 15-19 ноябрь кунлари ўтказилади.

6 декабрь куни ФИФА қароргоҳида ЖЧ-2014 мусобақасининг финал босқичи учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтади. Унда 32 та терма жамоа саккиз гуруҳга бўлинади.

Биринчи саватчадан Бразилия терма жамоаси (мезбон сифатида) ва 7 та ФИФА рейтингининг октябрь ойидаги ҳолатига кўра, энг яхши кўрсаткичга эга бўлган терма жамоалар жой эгаллайди.

Иккинчи саватчада Осиё, Шимолий Америка ва Океания минтақаси, учинчи саватчада Европа қитъаси вакиллари бўлади. Тўртинчи саватчадан эса Африка ва Жанубий Америка вакиллари ҳамда Европанинг энг паст рейтинг кўрсаткичи терма жамоаси жой олади.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳокимининг алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи кўйилмоқда:

1. “Маиший хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Хатирчи тумани “Янги йўл” ҚФЙ, “Кўксарой” массиви худудидан 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 13 470 сўм.

2. “Шлакаблок ва тротуар плиткалари ишлаб чиқариш цехи” биноси қуриш учун Хатирчи тумани “Оқ олтин” ҚФЙ, А.Навоий номли массив худудидан 400 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 62 920 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Хатирчи тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10-00 дан 16-00 гача қабул қилинади, 13-00 дан 14-00 гача тушлик ва 2013 йил 20 ноябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Хатирчи тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 21 ноябрь куни соат 11.00 да очилади, 2013 йил 21 ноябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 21 ноябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2013 йил 20 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 19 декабрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Хатирчи туман ҳокимлиги биносида 2013 йил 20 декабрь куни соат 11.00 да очилади, 2013 йил 20 декабрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини АТИБ “Ипотека банк” Хатирчи тумани филиалидаги: МФО 00205, СТИР 207122519, 20208000504920609007 х/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил-

нинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Навоий вилояти, Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй. (8-436) 224-15-61, 224-44-01, user07@inbox.uz.

Лицензия RR 0001.
www.1kms.uz

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Данғара тумани ҳокимининг 09.10.2013 йилдаги 368-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи кўйилмоқда:

1. Маъмурий бино-иншоотлар ва ишчилар хоналари қуриш учун Данғара тумани Найманча ҚФЙ Катта Аравон қишлоғи 2-зона худудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 1 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 450 324 сўм.

2. 2-қаватли офис биноси қуриш учун Данғара тумани Данғара ШФЙ, Муқумий кўчаси 1-зона худудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 240 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 131 973 сўм.

3. Минифутбол майдончалари, тренажёр зали ва дам олиш хоналари қуриш учун Данғара тумани Данғара ШФЙ Саноат кўчаси 1-зона худудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 2 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 099 776 сўм.

4. Тикувчилик цехи қуриш учун Данғара тумани Мулқобод ҚФЙ Кичик Бойбуча қишлоғи 2-зона худудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 4000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 801 296 сўм.

5. Савдо мажмуаси қуриш учун Данғара тумани Оқжар ҚФЙ Чағали қишлоғи 2-зона худудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 1 600 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 720 518 сўм.

6. 2-қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қуриш учун Данғара тумани Тайпоқ ҚФЙ Тайпоқ қишлоғи 2-зона худудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 531 102 сўм.

7. 2-қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қуриш учун Данғара тумани Тайпоқ ҚФЙ Тайпоқ қишлоғи 2-зона худудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 765 551 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Данғара тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10-00 дан 16-00 гача қабул қилинади, 13-00 дан 14-00 гача тушлик ва 2013 йил 20 ноябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Данғара тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 22 ноябрь куни соат 13.00 да очилади, 2013 йил 22 ноябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини “Халқ банки” Фарғона вилояти филиали, амалиёт бўлимидаги: МФО 00497, СТИР 207122519, 2020800004920609011 х/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғинович кўчаси 35-уй, “Биржа маркази” биноси. Тел/факс: (8-373) 244-46-39, rielttsavdo@inbox.uz., www.1kms.uz

Лицензия RR 0001.

Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.



Гарантия

Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.

Тел.: (99895) 177-08-50, (99895) 170-08-50.

Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь



тел.: 99895 170-32-52

Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.



Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.

Тел.: (99895) 199-10-33, (99893) 377-13-95.

БИЛДИРИШНОМА

“Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 2013 йил 24 сентябрдаги 115 (8196)–сонида “Ko'shmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Навоий вилояти филиали томонидан берилган хабарномадаги 2013 йил 28 октябрь кунига белгиланган танлов савдосига қўйилган 2-8, 10, 15-20, 50-54-сонли жами 19 дона ер участкалари учун танлов савдодан олиншини маълум қилади. Асос: Кармана тумани ҳокимлигининг 14.10.2013 йилдаги 01-02/701-сонли хати.

Ташкент ш. Олмазор т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан (реестр № 006102-05, 08.08.2013 й.) рўйхатга олинган “PERFECT MEBEL” оилавий корхонаси, Ташкент ш. Олмазор т. ҳокимияти ТСРҮИ томонидан (реестр № 006103-05, 18.09.2012 й.) рўйхатга олинган “COMFORT MATTRESS” МЧЖни ўз сафига бирлаштириб олишини маълум қилади. “PERFECT MEBEL” оилавий корхонаси “COMFORT MATTRESS” МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Ташкент ш. Олмазор т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан (реестр № 005246-05, 15.06.2011 й.) рўйхатга олинган “SABR PLYUS BARAKA” хусусий корхонасининг ташкилий ҳуқуқий шақли “SABR PLYUS BARAKA” МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

Ташкент ш. Учтепа т. ТСРҮИда (реестр № 003641-01, 19.03.2010 й.) давлат рўйхатидан ўтказилган “UZ PLAST DEVELOPMENT” МЧЖ ҚҚ (СТИР 301805167) (таъсирчиларнинг умумий йиғилиш баённомаси қарорига кўра) иктиёрий равишда тугатилганлиги маълум қилади. Давволар икки ой давомида Ташкент ш. Олмазор т. Широқ кўч. 2-уй манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: 311-30-08.

ООО “JINNTX GLOBAL” (ИНН 302190737) зарегирированное в Шайхантахурском р-не г. Ташкента, по адресу: ул. А.Кадырий, 1 А сообщает об уменьшении уставного фонда с 99 944 долл. США до 49 972 долл. США.

Утерянную лицензию АТ 0065003 выданную 24.05.2013 г. “Yo'lovchilarni shaharda yengil avtomobillarda tashish” на автомобиль “NEKSIA” 01 307 ТТА принадлежащий фирме ООО “BANYAN LYUKS” считать недействительной.

Ташкент ш. Миробод т. ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган (СТИР 301168708) “AVIA JAHON SERVIS” МЧЖ 16.10.2013 й.даги қарорига асосан тугатилганлиги маълум қилади. Эътирозлар 2 ой давомида қабул қилинади.

Утеранный аттестат № 2008/4154 выданный 25.11.2008 г. Государственным Таможенным Комитетом Республики Узбекистан на имя Юлдашева Мирзагани Мирзаакбаровича, считать недействительным.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан (19.01.2011 й. реестр № 1150) рўйхатдан ўтказилган “UZ PLAST DEVELOPMENT” МЧЖ ҚҚ (СТИР 301805167) (таъсирчиларнинг умумий йиғилиш баённомаси қарорига кўра) иктиёрий равишда тугатилганлиги маълум қилади. Давволар икки ой давомида Ташкент ш. Олмазор т. Широқ кўч. 2-уй манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: (93) 184-70-77.

Якка тартибдаги тадбиркор Нурмухамедов Бахром Учкунювичга тегишли думалок муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташкент ш. Ҳамза т. ТСРҮИ томонидан (реестр № 004459-07, 01.05.2013 й.) рўйхатга олинган “ASADBEK RISQ BARAKA” оилавий корхонаси (СТИР 302595746) тугатилди (ўз-ўзини тугатиш тўғрисидаги 14.10.2013 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар давволари 2 ой муддатда 523-04-70 тел. орқали қабул қилинади.

РЕКЛАМА

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)



КЎЙДАГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютада

Хорижий валютада

«МУСТАҚИЛЛИК 2013»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«ФАРОВОН ТУРМУШ»

Омонатнинг сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«ИШОНЧЛИ» (АҚШ долларарида)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Тошкент шаҳар филиали	8-371-120-83-13	Наманган вилояти филиали	8-369-226-94-75
Автотранспорт филиали	8-371-120-39-95	Навоий вилояти филиали	8-436-223-54-32
Шайхонтохур филиали	8-371-140-39-36	Зарафшон филиали	8-436-573-18-78
Юнусобод филиали	8-371-221-80-67	Бухоро вилояти филиали	8-365-223-71-94
Сирғали филиали	8-371-258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	8-365-770-11-27
Тошкент вилояти филиали	8-371-120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	8-366-231-08-86
Андижон вилояти филиали	8-374-224-40-96	Афросиёб филиали	8-366-221-77-56
Асака филиали	8-374-223-13-69	Қашқадарё вилояти филиали	8-375-221-12-93
Фарход филиали	8-374-226-97-53	Сурхондарё вилояти филиали	8-376-770-82-12
Фарғона вилояти филиали	8-373-224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	8-361-770-60-59
Марғилон филиали	8-373-237-12-37	Хоразм вилояти филиали	8-362-226-97-78
Олтиариқ филиали	8-373-432-10-11	Сирдарё вилояти филиали	8-367-225-44-03
Кўқон филиали	8-373-552-61-04	Жиззах вилояти филиали	8-372-226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- эғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- миқдори чекланмаган!

«АСАКА» БАНК — САРМОЯНГИЗНИ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ!

Хизматлар лицензияланган.

Махсулот сертификатланган.



Кўйидаги турдаги **ПОЛИПРОПИЛЕН ШПАГАТЛАРИ** пул кўчириш йўли билан **сотилади:**

1. Сомон, хашак боғловчи (сеновязальный).
2. Хўжалик ишлари учун (упаковочный).

Тел: (+99893) 382-89-14, 582-57-95.

ЭЪЛОН

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Агротранспорт комплекси
таркибидagi ҳамда шу
тармоққа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Улуғбек УЗОҚОВ, Содикжон ТУРДИЕВ,
Омонулла ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ,
Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ,
Абдихабоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир
ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ,
Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).



Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама
ва
эълонлар:

236-26-50,

233-28-04.



Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлиги
томонидан 2009 йил 13
февралда № 0020-рақам
билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи
муҳаррир:

Н.ТИЛЛАЕВ

Мусахҳих:

О.ОЧИЛОВ

Дизайнер:

М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба,
жума кунлари чиқади.
Буортма Г-1014,
ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида
босилди, қоғоз
бичими А-3.

Манзилимиз:
100000, Тошкент,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй

Е-mail:
info@qishloqhayoti.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.20
15573 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахририятнинг
ўзида компьютерда
терилди ва
саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5



ҚЎЙ (21.03 — 20.04)



Кенг миқёсли режаларни амалга ошираман, деб ишга меъёридан ортиқ берилиб кетиш оқибатида соғлигингизга зиён етказиб қўйишингиз мумкин. Яхшиси омондан ерга тушиб, аниқ мақсад сари интилинг.



БУЗОҚ (21.04 — 20.05)

Ушбу ҳафтада барча ишларни муваффақиятли бошлайсиз. Ҳамкасбларингиз, дўстларингиз, ҳамкорларингиз сизга яқиндан ёрдам беришади. Ҳафтанинг сўнги кунлари сизни мўмайгина даромад кутмоқда.



ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)

Сиз ҳар бир ишга масъулият билан ёндашасиз. Ишхонангизда ҳам ўзига хос гоёларингиз билан ҳамкасбларингиз ва раҳбарингиз ҳурматини қозонгансиз. Эндиликда соғлигингизга эътибор беринг.



ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)

Анчадан буён чала ётган лойиҳаларни якунига етказасиз. Сизга ҳар жабҳада дўстларингиз хайрихоҳ, танишларингиз ёрдам беришади. Уларнинг ёрдами билан ишларингиз янада олдинга силжийди.

АРСЛОН (23.07 — 23.08)



Шу кунларда бор куч ва имкониётларингизни касб фаолиятингизга йўналтиринг. Қўрқувларни енгинг — сиз бунга қодирсиз. Шунда мансаб пиллапоясидан юқорилайсиз. Омад сизга кулиб боқади.

ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)



Икки қайиқнинг бошини тутмоқчи бўлган инсон фарқ бўлади. Шу боис, ўзингиз учун муҳимини танланг. Ҳар ҳолда уй-рўзгор муаммоларини ҳал этсангиз, турмуш ўртоғингиз хурсанд бўларди.



ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)

Ушбу ҳафтада ўзингиз учун муҳим фаолият йўналишини белгилашингизга тўғри келади. Хайрия фаолияти билан шуғулланинг, гарчи ҳорисангиз ҳам, эзгу ишлар натижаси инсонни қувонтиради.



ЧАЁН (24.10 — 22.11)

Илгари қийинчилик билан амалга оширган ишларингизни ҳозирда осонгина урдасидан чиқасиз. Сиз ўзингизга ишонинг, олдинга дадил одимланг. Яқинларингиздан ёрдам сўрашдан асло тортинманг.



ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)

Сиз «Ўз уйим — ўлан тўшагим» дейдиган одамлар тоифасидансиз. Оилангиз даврасида ўзингизни ниҳоятда бахтли ҳис этасиз. Рўзгор ҳақида қай-гуришни ҳам, меҳнат қилишни ҳам қотирасиз.



ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)

Сиз ўта меҳнаткаш инсонсиз. Бу вазифангиз муҳимлиги билан боғлиқ. Аксар муаммоларнинг ўзига хос ечимини топа оласиз. Қалбингизни авайланг, шубҳали ишларга бош қўша кўрманг.



ҚОВҒА (21.01 — 20.02)

Сиз учун ҳар томонлама қулай ҳафта келади. Айниқса, молиявий аҳолинингизни анчагина яхшилаб олишга эришасиз. Маблағингизнинг имкон қадар бир қисмини муҳтожларга улашинг.



БАЛИҚ (21.02 — 20.03)

Атрофингизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга чуқур ёндашсангиз, асабингизга ёмон таъсир қилиши мумкин. Ундан кўра, иш фаолиятингизда ўзингизни кўрсатиш учун яратилган имкониятдан фойдаланинг.